
ҲОКИМГА МАКТУБ

Ассалому алайкум, ҳурматли Шухрат Мадаминович Ғаниев!

Мен, Сизга бирор бир масалада ариза ёки шикоят билан мурожаат қилганим йўқ. Аксинча, Сизга миннатдорчилик билдириш мақсадида мурожаат йўлламоқдаман. Мени мутахассислигим ҳуқуқшунос. Фарғона шаҳрида ишлайман.

Ҳурматли Шухрат Мадаминович, телевидениеда Сизни Фурқат тумани, Қўқон шаҳри ва Учкўприк тумани ёшлари ҳамда фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувингизни кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Ушбу учрашувни томоша қилиб, у ерда бўлиб ўтган суҳбатларни эшитиб, мен бир нарсани англадим.

Сиз, Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев бошлаб берган ислоҳотларни вилоятимиздаги амалдаги ижрочиси ва жонкуяр давлат хизматчиси бўлган инсонсиз. Биз Фарғона ёшлари, Фарғона вилоятини бугунги кундаги равнақи ҳамда ривожда Сизнинг саъй-ҳаракатларингизни жуда катта деб биламиз ва буни қадрлаймиз.

Сизга келгусидаги барча хайрли ишларингизда омад тилаб қоламан.

Шохруҳ Аҳмедов,

Фарғона шаҳри.

2020-01-14 16:21:22